

Eureka Journal of Business, Economics & Innovation Studies (EJBEIS)

ISSN 2760-4950 (Online) Volume 01, Issue 02, December 2025



This article/work is licensed under CC by 4.0 Attribution

<https://eurekaoa.com/index.php/6>

INCREASING THE ROLE OF THE STATE IN IMPROVING THE INVESTMENT ENVIRONMENT

Imomov Khamdilla Khamdamovich

Tashkent State University of Economics,

Department of "Evaluation and Investments", Professor

e-mail: himomov1969@gmail.com

Abstract

This article addresses issues related to increasing the role of the state in coordinating the investment climate, ensuring the participation of the state in improving the attractiveness of the investment climate, and correctly defining the strategies that the state must adopt to ensure the attractiveness of the investment climate.

Keywords: Reinvestment, investment, investment climate, attractiveness, state, coordination, economic, social, political, legal, equipping, modernization, reconstruction, credit, state credit, local investment, national economy, foreign investment.

Кириш (Введение/Introduction)

Амалда инвестицион муҳитни мувофиқлаштиришда давлатнинг иштироки назарий жиҳатдан иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий тенгликни сақлаш ва институционал тизимни мустаҳкамлаш мақсадларига боғлиқ. Бунда давлатнинг асосий вазифаси бозор механизмларидаги камчиликларни бартараф этиш ва капитал тақсимоотидаги самарадорликни таъминлашдан иборат бўлади.

Eureka Journal of Business, Economics & Innovation Studies (EJBEIS)

ISSN 2760-4950 (Online) Volume 01, Issue 02, December 2025



This article/work is licensed under CC by 4.0 Attribution

<https://eurekaaoa.com/index.php/6>

Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Ж. М. Кейнснинг фикрича, иқтисодиётда умумий талабнинг етишмаслиги инқирозларга олиб келади, ва бу ҳолатда давлат сарф-харажатларини ошириш орқали инвестиция фаоллигини қайта тиклаш зарур[1]. Бу келтирилган ёндашувда давлат иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишлигини келтириб ўтган. Шу сабабли, давлатнинг инвестиция сиёсати фискал ва пул-кредит инструментлари орқали иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради.

Жон Мейнард Кейнс (1936) ўзининг “Employment, Interest and Money” асарида шундай ёзади: “Сармоя фаолияти фақат фойда олиш интилиши билан эмас, балки давлатнинг иқтисодий сиёсатга бўлган кафолати ва ишонч муҳити билан белгиланади.”[2]

Дж.Доунс ва Г.Эллиотнинг таъкидлашларича “инвестицион муҳит инвестициялар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, молиявий ва бошқа шароитлардир”[3].

Институционал мактаб эса давлатнинг вазифасини қоидаларни яратиш ва уларга риоя этилишни назорат қилишда кўради. Бундай ёндашувда давлат фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий ишонч ва ҳуқуқий кафолатлар муҳитини ҳам шакллантиради.

Масалан, Д. Норт фикрича, "Институтлар иқтисодий фаолиятнинг қоидаларини белгилайдиган ва инсон муносабатларини тартибга солувчи механизмлардир" деб таъкидлаб ўтган[4]. Шунинг учун инвестицион муҳитда давлатнинг ролини фақат молиявий ёрдам ёки назорат орқали эмас, балки институтлар самарадорлиги орқали баҳолаш ўта муҳим ва зарурдир. Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы). Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усулларида самарали фойдаланилди.

Eureka Journal of Business, Economics & Innovation Studies (EJBEIS)

ISSN 2760-4950 (Online) Volume 01, Issue 02, December 2025



This article/work is licensed under CC by 4.0 Attribution

<https://eurekaopenaccess.com/index.php/6>

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (Analysis/Анализ).

Бизга маълумки, институционал муҳит инвестицион фаолият учун кафолатли ва прогностланадиган иқтисодий муҳитни яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ушбу муҳитнинг асосий элементи қонун устуворлиги ва мулк ҳуқуқининг ҳимояси ҳисобланади. Мулк ҳуқуқининг таъминланмаган жамиятда сармоядорлар таваккалликни юқори деб баҳолайдилар, бу эса сармоя киритиш эҳтимолини пасайтиради.

Институционал муҳитнинг яна бир муҳим жиҳати давлат бошқарувининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги бўлиб ҳисобланади. Давлат органларининг иш фаолияти очик ва ҳисобдор бўлса, сармоядорлар учун ишонч муҳити яратилади. Масалан, Ўзбекистонда “Ягона инвестициялар портали” орқали онлайн рўйхатдан ўтиш ва рухсат бериш тизимларининг жорий қилиниши натижасида лицензия олиш жараёнлари кескин қисқарди[10]. Натижада бу ўзгариш халқаро рейтингларда мамлакатнинг инвестиция муҳитига бўлган баҳоларни яхшиланишига хизмат қилди.

Институционал сифатни баҳолаш учун Жаҳон банки (World Bank)нинг Worldwide Governance Indicators (WGI) ҳисоботларида “Rule of Law”, “Regulatory Quality”, “Government Effectiveness” каби кўрсаткичлар қўлланилади[6]. Улар мамлакатнинг давлат бошқаруви ва ҳуқуқий тизим самарадорлигини комплекс тарзда баҳолаш имконини беради. Шунингдек, OECDнинг Investment Policy Reviewлари ҳам миллий сиёсатдаги институционал ислохотларни таҳлил қилади.

Давлатнинг инвестицион муҳитни мувофиқлаштиришдаги иқтисодий механизмлари фискал, монетар ва институционал воситалар мажмуасидан иборат. Улар орқали давлат сармоя оқимларини стратегик тармоқларга йўналтиради, инвестиция хавфсизлигини таъминлайди ва миллий иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Eureka Journal of Business, Economics & Innovation Studies (EJBEIS)

ISSN 2760-4950 (Online) Volume 01, Issue 02, December 2025



This article/work is licensed under CC by 4.0 Attribution

<https://eurekaoa.com/index.php/6>

Фискал сиёсат механизми.

Бунда солиқ имтиёзлари, амортизацион тезлаштириш, инвестиция кредити ва давлат субсидиялари сармоя фаоллигини рағбатлантирувчи асосий воситалар ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда “Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, стратегик лойиҳаларни амалга ошираётган компаниялар учун бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилади[10].

Монетар сиёсат механизми

Бунда марказий банкнинг қайта молиялаш ставкалари, ликвидлик каналлари ва кредит дастурлари сармоя киритишни арзонлаштиради. Пул-кредит сиёсатининг прогнозланиши ва марказий банк мустақиллиги иқтисодий хавфни пасайтиради.

Институционал механизмлар

Буларга давлат-хусусий шериклик (ДХШ), рақобат сиёсатини ривожлантириш, лицензия жараёнларини рақамлаштириш ва инвесторлар учун ҳуқуқий ҳимояни мустаҳкамлаш киради. Шу орқали давлат иқтисодий фаолиятни назорат қилмасдан, балки уни самарали тарзда мувофиқлаштиради.

Ушбу моделда давлатнинг вазифаси “қўллаб-қувватловчи институт” сифатида намоён бўлади. Яъни, давлат иқтисодий жараёнларни тўғридан-тўғри бошқармайди, балки улар учун барқарор қоидалар тизимини яратади ва ижтимоий келишув орқали ишонч муҳитини таъминлайди. Бу Кейнснинг давлат фаоллиги назарияси билан Норт ва Уильямсоннинг институционал моделини уйғунлаштиради.

Eureka Journal of Business, Economics & Innovation Studies (EJBEIS)

ISSN 2760-4950 (Online) Volume 01, Issue 02, December 2025



This article/work is licensed under CC by 4.0 Attribution

<https://eurekaaoa.com/index.php/6>

Хулоса ва таклифлар (Conclusions/Заключения)

Хулоса қилиб айтганда, амалда мамлакатнинг инвестицион муҳитини таҳлил қилинганда, амалдор нуқтаи назари эмас, балки ўз маблағини даромад келтирувчи лойиҳага жойлаштирмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг фикрлари аҳамиятлидир. Уларнинг фикрича инвестиция муҳити бир қатор зарурий омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги инвестиция муҳитининг энг қўлай бўлишини таъминлайди.

Инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлашда давлатнинг бир қанча муҳим вазифалари мавжуд бўлиб, уларни самарали йўлга қуйиш билан сармояларни чақирувчи жозибador муҳитни яратиш мумкин. Ислохотларни амалга ошириш давомийлиги даврида давлатнинг асосий вазифаси сармоядорлар учун барқарор, шаффоф ва жозибador муҳит яратиш бўлиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар (Список литературы/ References):

1. Keynes J.M. The General Theory of Employment, Interest and Money. – Macmillan, 1936.
2. Жон Мейнард Кейнс (1936) “Employment, Interest and Money”
3. М.Портернинг (1990) “National Competitiveness Model”
4. North D.C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. – Cambridge University Press, 1990.